



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 13 сентябрь, № 190 (9085)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРАЗМДА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАШАББУСЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарига Хоразм вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар юзасидан ахборот берилди.

Табийи ресурслари чекланган бу ҳудуд иқтисодиёти таркибиёй ўзгаришлар орқали ривожлантирилмоқда. Сўнгги саккиз йилда 2 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 25 мингдан ортиқ саноат корхоналари очилган. Ишлаб чиқариш ҳажми 2,2 карра ошган. Бугун вилоятда тўқимачилик, автотомобилсозлик, электр техникаси, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноати бор.

Тошсоқа магистраль канали қайта тиклангани натижасида Хоразм учун ўта муҳим бўлган суғориш тизими яхшиланди. Амударё устида янги кўприк қурилиши вилоят аҳолисининг узоғини яқин қилди.

Саккиз йилда вилоятда 660 та кўп қаватли тураржой барпо этилиб, 21 минг оила янги уйли бўлди. 4 минг 751 километр ичимлик суви ва 206 километр канализация тармоғи қурилди, 580 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Жорий йил бошидан бери 100 минг эҳтиёжманд аҳоли иш билан таъминланди. Камбағаллик даражасининг январдаги 12 фоиздан 6,8 фоизга тушгани энг яхши кўрсаткич бўлди.

Бундай ишларни янада кенгайтириш мақсадида Хоразм вилоятида ҳам "Ислохотлар штаби"

тузилди. Тақдимотда тадбиркорларнинг тақлифлари асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Масалан, Жанубий Кореянинг 100 миллион доллар инвестицияси ҳисобидан Урганч туманида чиқинди ёқиш орқали электр энергияси олиш лойиҳаси мўлжалланган.

Австралия компанияси 820 миллион доллар инвестиция киритиб, Тупроққалъа туманида 600 минг тонна экологик тоза авиация ёнилғиси ва 50 минг тонна "яшил дизель" ишлаб чиқариш тақлифни билдирган. Корхона эҳтиёжи учун 5,5 минг гектарда 4 гигаваат қуёш панелла-

ри ўрнатилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Словакия корхонаси 170 миллион доллар ҳисоби-га Тупроққалъа туманида 5 минг гектарда рапс етиштириб, био-ёнилғи ишлаб чиқариш заводи қурилиш режалаштирган.

Умуман, Хоразмда 2 миллиард 400 миллион долларлик янги лойиҳалар тайёрланган. Шунингдек, шаҳар ва туманларнинг қўшимча имкониятлари ҳисобидан яна 86 миллион долларлик истикболли лойиҳа ва ташаббуслар шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари инвесторларга қулайлик яратиб, лойиҳаларни жадаллаштириш

бўйича топшириқлар берди.

Вилоятдаги саноат зоналаридан тўла фойдаланилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Инфратузилма ва ер тоифаси масаласини ҳал қилиб, 100 дан зиёд лойиҳаларни ишга тушириш зарурлиги айтилди. Хоразмнинг жойлашувидан келиб чиқиб, саноат йўналишларини пухта режалаштириш, бунга вилоятнинг ички салоҳиятини тўлиқ сафарбар қилиш кераклиги таъкидланди.

Тадбиркорлиқни ривожлантириш, "яширин иқтисодиёт" улушини қисқартириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАТАР ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 сентябрь куни Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Хамад Ол Соний билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Қатар стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари яқинда Исроил томонидан Қатар пойтахти Доха шаҳрига уюштирилган ракета зарбаларини кескин қоралади. Қатар мустақиллиги ва суверенитетини бузадиган, унинг хавфсизлигига таҳдид соладиган бундай номақбул хатти-ҳаракатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, халқаро ҳуқуқнинг асосий қоиди ва тамойилларига зид экани қайд этилди.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда куч ишлатишнинг ҳар қандай шаклига ва Яқин Шарқдаги вазиятнинг янада кескинлашишига олиб келадиган қадамларга қарши экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Қатар ташаббуси билан қақирлаётган навбатдан ташқари араб-ислом саммитининг муваффақиятли ўтишини тилади.

Қатар Давлати Амири, ўз навбатида, кўрсатилган бирдамлик ва қўллаб-қувватлов учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Телефон мулоқоти чоғида фаол сиёсий алоқаларни давом эттириш ва икки мамлакат етакчи компанияларининг кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А.

Сенат қўмитасида

Муҳим қонунларнинг дастлабки муҳокамаси

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибига мувофиқ "Кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий

қонунчиликка татбиқ этиш, шунингдек, фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Очиқ парламент

Нотариуслар билан учрашув самарали бўлди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда коррупция ва бюрократиянинг олдини олишда нотариатнинг ўрни" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда депутатлар, палата масъуллари, Адлия вазирлиги, суд ва тергов органлари вакиллари, олимлар ҳамда Ёшлар парламенти

аъзолари иштирок этди.

Асосий эътибор аҳолига сифатли давлат хизматлари кўрсатишда нотариат тизимининг ўрнини кучайтириш, коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, нотариуслар фаолиятида мавжуд

муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда уларни ҳал этиш бўйича қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш ҳамда нотариат соҳасида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилди.



Сенаторлар — ҳудудларда

Муаммолар ўрганилиб, ечимлари изланди

Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва муҳокама қилинган масалалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида сенаторлар ҳудудларда учрашувлар ўтказиб келимоқда.

Хусусан, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Ёшмуратов Сурхондарёда аҳоли вакиллари билан учрашувлар ҳамда фуқаролар сайёр қабулини ўтказди.

Учрашувларда "Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида атрафчила маълумот берилди.

Маълумки, Сенатга келиб тушган ҳамда ижтимоий тармоқлардаги фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Бунинг амалий ифодаси сифатида Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида сенатор ва тегишли мутасаддилар иштирокида сайёр қабул ўтказилди. Унда 500 га яқин фуқароларнинг мурожаатлари, талаб ва тақлифлари сенатор, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вакиллари ва ҳудудий раҳбарлар томонидан эшитилди.

Шундан сўнг Жарқўргон туманидаги Янги Ўзбекистон маҳалласида жойлашган "Асилабон" оилавий болалар уйи тарбияланувчилари учун яратилган шарт-шароитлар билан танишилди, Ногиронларни реабилитация қилиш марказидаги муаммолар ўрганилиб, зарур чоралар белгиланди.

Мулоқот давомида ёшлар бандлигини таъминлаш, иш ўринлари яратиш, меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш, олий таълим муассасалари ва иш бевуви-чилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, "Коррупциядан холи ҳудуд" ва "Намунавий Кенгаш" ташаббуслари доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаниязова Хўжайли туманидаги Ёшлар марказида очиқ мулоқот ўтказди.

Учрашувда сенатор Сенатнинг 10-ялпи мажлисида муҳокама этилган қонунлар мазмун-моҳияти ва уларнинг аҳамияти ҳақида маълумот берди ва Президентимиз раҳбарлигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимидаги янгиланишларга эътибор қаратди.

Мулоқот давомида маҳаллий муаммолар ҳам ўрганилди. Педагоглар томонидан мактаб ўқувчилари учун ёзги болалар соғломлаштириш марказини ташкил этиш тақлифи илгари сурилди.

Сенатор мазкур тақлифни тегишли идоралар билан кўриб чиқишини билдирди.



ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асоси, миллионлаб фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигига таъсир кўрсатадиган иқтисодиётнинг асосий тармоғидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу соҳа изчил тараққий этмоқда.

Таҳлил

Бинобарин, иқтисодий фаол аҳолининг чорак қисмидан кўпроғи мамлакат ЯИМнинг қарийб 18 — 20 фоизини таъминлайдиган, экспорт ва саноат учун хомашё базасини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган аграр секторда банд. Айни пайтда қишлоқ хўжалигининг мавқеини мустаҳкамлаш "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, соҳанинг

самарадорлиги, натижадорлиги, барқарорлиги ва инновацион салоҳиятини оширишга қаратилган.

2025 йилда аграр секторнинг асосий кўрсаткичлари

Миллий статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2024-2025 йилларда қишлоқ хўжалиги барқарор ўсишни намойиш этмоқда. Биринчи ярим йиллик якунларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми мунтазам равишда ошиб, 4 фо-

изга етди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизматларининг умумий ҳажми жорий йилнинг январь — июнь ойларида қарийб 195 трлн. сўмни, шундан деҳқончилик соҳасида 67,9 трлн., чорвачилик тармоғида қарийб 119 трлн. сўмни ташкил этди. Ҳалла экинларининг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан рекорд даражага — 85 центнерга етди, минглаб фермерлар гектаридан 100 центнергача ҳосил олмоқда. 50 минг гектар майдонда интенсив технологиялар қўлланилиб, сабзавотлар ҳосилдорлиги икки баравар ошди. Аграр сектор диверсификацияси муваффақиятли олиб борилмоқда, бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турларини кенгайтириш ва ички талабни қондириш, шунингдек, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.



ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Қайд этиш керакки, қишлоқ ҳўжалигининг мамлакат иқтисодий салоҳиятига ҳиссаси барқарор ўсиб бормоқда. 2025 йилнинг II чорагида унинг ҳажми 112,5 трлн. сўмдан ошди, бу йилнинг биринчи чорагига нисбатан анча юқори. Қишлоқ ҳўжалиги ЯИМнинг тахминан 18 — 20 фоизини таъминлайди, унинг мамлакат умумий экспортидаги улуши эса тахминан 25 фоизлик кўрсаткичда. Асосан, мева, саб-завот, дон, дуккакли экинлар ва чорвачилик маҳсулотлари, шу-нингдек, уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар экспорт қилинади. Пахта, галла ва сабза-вотларни етиштириш йўналишида кластерларни самарали ташкил этиш ишлаб чиқариш имконият-ларини ва экспорт позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакли

Агрокластерлар ва қишлоқ ҳўжалиги кооперативларини таш-кил этиш ва унинг раvнақи бозор механизмларига ўтиш, эркин ра-қобатни ривожлантиришнинг му-ҳим механизмига айланди. Пахта ва сабзавотларни етиштириш бўйича 2025 йилга келиб 659 та агрокластер ва 230 та кооператив очилиб, замонавий корпоратив бошқарув усуллари, инвестиция амалиётлари жорий этилди. Бу кластерлар ва кооперативлар ре-сурсларни жамлаш, воситачилар сонини камайтириш, чуқур қайта ишлашни таъминлаш, инвестиция ва технологияларни жалб қилиш, маҳсулотларни узлуксиз сотиш ва қўшилган қиймат занжирини яратиш имконини беради.

Давлатнинг молиявий кўмаги фермер ва кластерларга пахта етиштириш йўналишида 10 фоиз, мева-сабзавотчиликда 14 фоизга-ча, олти ойлик имтиёзли давр билан имтиёзли кредит ажратишга қаратилган. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатни ошириш-ни рағбатлантиради.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳам пахта хомашёсини экспорт қилишдан юқори қўшилган қиймат-ли маҳсулотларга ўтиш катализа-торига айланди. Тўқимачилик кор-хоналари билан интеграциялашув орқали пахта етиштиришдан мато

ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқа-ришгача бўлган тўлиқ занжир таъ-минланмоқда. Жорий йилда тўқи-мачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 2,6 млрд. долларга етиб, уни 4 млрд. долларга, истиқболда эса 2027 йилга бориб 7 млрд. дол-ларга етказиш режалаштирилган, бу эса қўшимча 25 мингта иш ўрни яратиш ва салмоқли хорижий ин-вестицияларни жалб қилиш имко-нини беради.

Кластерлар субсидиялар, имти-ёзли кредитлар, солиқ имтиёзла-ри ва энергетикамкор техноло-гияларни ривожлантириш, шу жум-ладан, корхоналарда қуёш панел-ларини жорий этиш бўйича инвестиция дастурлари шаклида давлат томонидан қўллаб-қувват-ланмоқда. Бу пахтани қайта иш-лаш даражасини 100 фоизгача ошириш, пахта хомашёси экспор-тини тугатиш, юқори экспорт са-лоҳияти ва қўшилган қийматга эга бўлган мато ҳамда тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Технологик инновациялар

Сув танқислиги ва иқлим ўзга-риши шароитида сувни тежайди-ган ва экологик тоза технология-ларни жорий этиш алоҳида эъти-бордаги масаладир. 2019 йилдан бошлаб давлатнинг фаол кўмаги-да (усуналар қийматининг 30 фо-изигача субсидиялар ва солиқ им-тиёзлари орқали) томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет усулда су-ғориш, ерларни лазерли текислаш кенг қўлланилмоқда. 2025 йилга келиб, ушбу технологиялар билан жиҳозланган майдонлар 2,5 млн. гектарга етказилиб, сув сарфи 40 — 50 фоизга, минерал ўғитлар сарфи 25 — 30 фоизга, ёнгил сарфи 30 — 35 фоизга камайди ва ҳосилдорлик 25 — 35 фоизга ошди.

Интенсив тоза технологиялар-ни ривожлантириш мослашувчан навлардан фойдаланиш, агро-дронлар ёрдамида рақамли мони-торинг, банклар ва биржалар маъ-лумотлари билан интеграциялаш-ган “Агро Тарози” тизимидан фой-даланишни ўз ичига олади, бу би-лан ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ҳисобга олиш ва режа-лаштириш яхшиланди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари

ассортиментининг кенгайтирили-ши аъъанавий моноэкинларга қарамлиқни камайтиради. “Агро-субсидия”, “Е-ижара” ва “КропАг-ро” рақамли платформалари тад-биркорларнинг ер, молия ва су-ғуртадан фойдаланишини осон-лаштиради, агробизнесни ривож-лантириш ва таваккалчиликларни камайитириш имконини беради.

Халқро ҳамкорлик ва инвестиция лойиҳалари

Ўзбекистон барқарор техноло-гияларни жорий этиш ва аграр сектор самарадорлигини ошириш мақсадида Жаҳон банки, Осиё та-раққиёт банки, БМТнинг Озиқ-ов-қат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкило-ти, Корея халқро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва бошқа халқро институтлар билан ҳам-корлик қилмоқда.

Хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда бир қатор ҳудудлар-да юзлаб миллион долларлик чи-қиндилардан электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда, бу эса қишлоқ ҳўжалигида қайта тикланадиган энергияни ривожлантиришга за-мин яратади.

Мамлакат қуёш ва шамол электр станцияларидан кенг фой-даланмоқда, “IFC EDGE” стан-дартларини қўллаган ҳолда энер-гиятежамкор “яшил” қурилиш объектларини барпо этмоқда, ин-вестицияларни жалб қилиш учун “яшил” облигацияларни чиқармоқда.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давлат дастури доирасида аграр соҳада экологик барқарорликка эришиш, янги “яшил” технологияларга ўтиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Энергияте-жамкор технологиялар, сувни те-жаш ва қайта тикланадиган энер-гия манбаларини жорий этишда углерод микдорини, кимёвий мо-далардан фойдаланиш ҳажмини камайитириш ва тупроқ унумдор-лигини сақлашга эътибор берил-моқда. Ушбу сиёсат қишлоқ ҳўжа-лиги соҳасида биологик хилмахил-лики барқарор ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш имконини бе-ради. Ғўзанинг янги генотиплари-ни яратиш учун суберин генлари-нинг модификациясини бунга ми-сол қилиб келтириш мумкин. На-тижада атмосферадан углерод



диоксидини интенсив ўзлашти-ришга эришилади. Тупроқни за-монавий минерал ўғитлар билан бойитиш орқали унумдорлиги паст бўлган қишлоқ ҳўжалиги ер май-донларида дуккакли экинлар етиштиришнинг янги технология-ларига ўтилди.

Илм-фаннинг ўрни ва роли

Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги фани биотехнология, чидамли экинлар селекцияси ва рақамли мониторинг тизимларини бир-лаштиради. Хорижий университет-лар ва халқро илмий марказлар билан ҳамкорлик малакали кадр-лар тайёрлаш ва инновацияларни ишлаб чиқаришга мослаштириш, иқлим ўзгаришларига чидамлили-к ва маҳсулот сифатини оширишни таъминлайди.

Илгор технологиялар ва замо-навий илм-фан ютуқларини ама-лиётга жорий этишдан мақсад экинлар ҳосилдорлигини ошириш, сув сарфини камайитириш, иқлим ўзгаришлари ва Ўзбекистон-нинг экологик шароитларига мослашишдир.

Экин экишда “in-vitro” кўчатла-ридан, маҳаллий компонентлар асосидаги биоўғитлардан, биочар-дан фойдаланиш муҳим. Бундай янгиликлар ўз самарасини бер-моқда, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-

ларини етиштиришда самарадор-ликни оширишга, ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга, ҳосилдорлиқни кўтаришга, пиро-вард натижада ҳўжаликларнинг даромадини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Парламент назорати

Шу ўринда аграр соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомил-лаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш тизимини тако-миллаштиришга қаратилган қонунлар ҳамда Сув кодекси шу-лар жумласидандир. Мамлаката-миз парламенти аъзолари қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, со-ҳанинг стратегик вазифаларини бажариш ва қонун ижодкорлиги фаолиятининг аграр сектор на-тижадорлигига таъсири устидан доимий асосда самарали назо-ратни ҳам амалга оширади. Яқин-да ЎзЛиДеП фракцияси ташаббу-си билан Ўзбекистон Республи-каси қишлоқ ҳўжалигини ривож-лантиришнинг 2020 — 2030 йил-ларга мўлжалланган стратегияси ижросига бағишланган “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда халқ ва-киллари вазирлиқнинг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, фер-мерларни рағбатлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувват-лаш, соҳадаги молиявий муноса-батларни тартибга солиш, қишлоқ ҳўжалиги кооперативларини ри-вожлантириш, аҳолини озиқ-ов-қат маҳсулотлари билан таъмин-лаш, замонавий технологияларни жорий этиш ва соҳани рақамлашти-риш борасидаги натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитди.

Депутатларга аграр соҳадаги ислохотлар, халқро ҳамкорликнинг кенгайтирилиши ва қабул қилинган қонун ҳўжжатларининг амалий натижадорлиги тўғрисида батафсил маълумот берилди. Муҳокама давомида депутатлар ўзларини қизиктирган масалаларга тўхталиб, соҳанинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича тавсиялар бериш имконига эга бўлди.

Агрокластер ва кооперативлар, халқро ҳамкорлик, инвестиция лойиҳалари ва илмий инновациялар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотла-ри ва саноатни хомашё билан кафолатли таъминлаш, экспортни ри-вожлантириш бўйича тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун барқарор асос яратмоқда.

Дурбек АХМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ТАЪЛИМ МИЛЛАТ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Президентимиз раҳнамолигида сифатли таълим масаласи, ёшларнинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишлари учун етарли билимга эга бўлишлари йўлида амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Шу боис мазкур йўналишдаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда: таълим, мактаб ва устозлар доимий эътибор марказида. Шу маънода, Президентимиз 8 сентябрь куни таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига оид тақдирот билан танишди. Унда долзарб бўлган бир қатор масалалар ҳал қилинди, амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг режалари тузилди.

Муносабат

Кейинги йилларда юртимизда қўллаб янги мактаблар, таълим муассасалари қурилди, замонавий жиҳозлар билан таъ-минланди. Ҳукуматимизнинг таълимга бўлган эътибори туфайли унинг барча жаб-ҳасида энг илгор тажрибалар жорий эти-либ, иқтидорли болаларга ихтисослашган билим бериш, ёшларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаб, уларни касбга йўналти-риш масаласи муҳим йўналиш сифатида танабб олинганлиги олдимизга бир қатор вазифаларни қўяди.

Юртбошимиз тақдиротда таълимнинг барча бўғинини қамраб олувчи концепция билан танишди. Биринчи навбатда, юсак гоя ва орзу-умидга тўла ёшлар учун ўқув-чиларнинг ташаббусларини қўллаб-қувват-лаш бўйича мактаб маслаҳатчиси лавози-ми жорий қилинади. Улар ўқувчиларнинг қобилияти ва қизиқишига қараб, тил, касб, муҳандислик, ижод, санъат ҳамда спорт тўғрақларини ташкил қилади. Шунингдек, “Баркамол авлод” болалар мактаби, Рес-публика ўқувчи-ёшлар маркази ҳамда “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жами-яти негизида “Келажак” марказлари таш-кил этилади.

9 сентябрь куни ўтказилган таълим со-ҳасидаги ислохотлар ижроси ва келгусида-ги вазифаларга бағишланган видеоелек-тор йиғилишида Президентимиз ҳар доим-гидек устозларга бўлган ҳурматини намойён этаркан, иқтисодиёт ривожланиши, юрти-миз ва фарзандларимиз келажаги фақат ва фақат таълим ҳамда муаллимга боғлиқ экан-ини алоҳида қайд этди.

Албатта, шарт-шароитларни янада яхши-лаш кун тартибидagi муҳим масалалга ай-ланган мазкур йиғилишда барча раҳбарлар ўз эътиборини сифатли таълимга қаратиши лозимлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, иқтисодиётимизнинг ривож, энг аввало, таълимда эканлиги таъкидланди. Ўқитувчи-ликка меҳр қўйган ёшларни рағбатланти-ришга қаратилган педагогика йўналишида-ги олий таълим муассасаларининг талаба-



лари учун Абдулла Авлоний номидаги дав-лат стипендиясини таъсис этиш тўғрисида тақлиф билдирилди.

Узлуксиз таълим тараққиёти йўлида

Мактабгача ва мактаб таълимидаги ўзга-ришлар ўқитувчилар маошининг бир неча мартагача ортганлиги билан ҳам баҳоланади, бу эса юртимизда ўқитувчи мақоми янада юксалаётганининг бир қирраси, холос. Йи-ғилишда узлуксиз таълим тизимининг илк бўғини ҳисобланган боғчаларга эътиборни қулайтириш лозимлиги, туман ва вилоят ҳокимларига бўш ҳудудларда хусусий сек-тор билан биргаликда янги боғчалар қуриш вазифаси топширилди.

Тўғри, боғчаларда фаолият юритадиган салоҳиятли тарбиячиларни тизимли ўқитиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ху-сусан, янги ўқув йилидан республикамиз-даги педагогика олий таълим муассасала-рида ўрта махсус маълумотли тарбиячилар учун “1+5”, яъни 1 кун ўқиш, 5 кун иш тар-зидаги бакалавр таълим шакли жорий қили-ниб, келгуси йилда ҳар бир вилоятда боғча тарбиячилари педагогик маҳоратини оши-ришга методик қўмаклашувчи таянч “Янги авлод” боғчалари барпо қилинадиган бўлди.

Таълимнинг энг муҳим бўғини ҳисоб-ланган мактаб масаласи ҳам доимий эъти-бор марказида. Мамлакатимизнинг олис ҳудудларидаги 74 минг ўқувчининг узоқ масофадан мактабга қатнаётгани инобат-га олиниб, уларга қулайлик яратиш мақсадида Қашқадарё ва Сурхондарё таърибаси асосида бепул автобус қатно-

вини йўлга қўйиш зарурлиги айтиб ўтилди. Бугун замонавий технологиялар даврида яшаямиз. Ўқувчиларни янги билимларга ўргатиш мақсадида юқори синфлар учун кейинги ўқув йилидан бошлаб сунъий ин-теллект бўйича дарслар киритилиши ва бу-нинг учун 2 мингта синф хонаси компью-тер, 6 300 та интерфаол доска билан таъ-минланиши кўзда тутилмоқда.

Иқтидорли ўқувчиларга шароит яратиш учун вилоятларда ахборот технологиялари-га ихтисослаштирилган Ал-Хоразмий, му-ҳандислик бўйича Мирзо Улуғбек, табиий фанлар йўналишида Ибн Сино мактаблари филиаллари ташкил этилиб, уларнинг бар-часи ҳудудлардаги техника олийгоҳларига бириктирилади, яхши натижага эришган би-турирларнинг ушбу олийгоҳларнинг 2-кур-сига қабул қилиниши кўзда тутилаётир.

Ўқувчи-ёшларни касб-хунарга жалб этиш масаласи юза долзарб. Эндиликда уларни она Ватанимизга муҳаббат руҳида тарбия-лашга янада кўпроқ ургу берилади. Ёш то-ифалари бўйича яратиладиган миллий тарбия модели орқали болалар замонавий компетенцияга эга мутахассис бўлиш билан бирга, миллий қадриятларга содиқ инсон бўлиб тарбияланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, янги ўқув йилидан боғча, мактаб ва олийгоҳларда ҳар душанба “Ке-лажак соати” дарслари ўтилиши уларни умуминсоний, миллий қадриятлар, ватан-парварлик гоъси асосида юрт учун таянч бўлувчи авлод бўлиб етишишида муҳим қадамдир. Бундай ишларни жадаллаштириш мақсадида Болалар контентини ривожланти-риш маркази Кори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти олимлари билан биргаликда қизқарли видеоролик-лар ишлаб чиқади. Бунда яратиладиган контентлар “Миллий тарбия” платформаси-га доимий равишда жойлаштирилиши на-зарда тутилмоқдаки, бу келгусида ўз сама-раларини беради, деф ишонамиз.

Шу муносабат билан Касбий таълим агентлиги ташкил қилиниб, вилоят ҳамда туман ҳокимларига келгуси ўқув йилида 9-синф битирувчиларининг камида 50 фоизини, ҳозир-гача қўшимча яна 200 минг ўқувчини техникумга қамраб олиш, инвестор бюртмаси билан техникумларда ҳам кадрларни максадли тайёрлаш, техникум билан дуал таъ-лимни йўлга қўйган корхоналарга имтиёзли кредит ажратилиши масаласини ҳал қилиш вазифаси топширилди.

Таълимга, унинг янада ривож топишига қаратилган мазкур чора-тадбирлар, аниқ вазифалардан келиб чиқиб, ҳар бир раҳбар ўзи амалга ошириши лозим бўлган ишлар-ни белгилаб олди. Худди шундай биз ҳам. Чунки ёшларни касб-хунарга ўргатиш маса-ласи кечиктирилмас вазифалардан бири. Зеро, бу каби ишларни тизимли йўлга қўйиш фақат ва фақат нури келажак учун хизмат қилади.

Баҳодир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

МУДОФАА ЯНГИЛИКЛАРИ

Жанговар шайлик синовдан ўтказилди

Жиззах гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм шахсий таркиби “Фориш” тоғ полигониди кундузги ва тунги амалий отиш машғулотларида иштирок этди.



Асосий эътибор ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини ошириш, уларда қурол-аслаҳадан самарали фойдаланиш малакаларини мустаҳкамлаш, нишонга тез-кор ва аниқ зарба бериш кўникмаларини ривожланти-ришга қаратилди.

Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати хабарига кўра, кундузги ва тунги шароитларда ўтказилган ушбу машғулотларда ҳарбий хизматчилар юқори натижалар кўрсатиб, ўз билим ҳамда маҳоратларини синовдан ўтказ-ди. Айниқса, тунги — кўриш шароити чекланган вазият-ларда мўлжалга уриш, жанговар техникадан фойдала-ниш ва жамоавий ҳаракатларда мувофиқлик алоҳида эътиборга сазовор бўлди.

Шунингдек, машғулотлар давомида ҳайдовчилик тай-ёргарлиги бўйича ҳам амалий синовлар ўтказилди.

«Жасорат мактаби»нинг навбатдаги мавсумига старт берилди

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги Бухоро гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда навбатдаги “Жасорат мактаби” йиғинига старт берилди.



Йиғинда йигитлар кунни эрта тонгдан бадантарбия билан бошлаб, кун давомида жисмоний ва саф тайёр-гарлиги каби ўқув машғулотларида, шунингдек, ҳарбий тайёргарликка қаратилган дарсларда иштирок этиб, би-лим ва кўникмаларини ошириб бормоқда.

Бундан ташқари, ёшларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган амалий машғулотлар ўтказилиб, унда ёшларга малакали мутахассислар томонидан турли касб-хунар-ларнинг сир-асрорлари ўргатилмоқда. Шунингдек, ре-жага кўра спортнинг кураш, футбол, волейбол, тош кўта-риш каби бир нечта туридан беллашувлар ўтказилиши белгиланган. Бу ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини татбиқ қилиш учун ҳам аҳамиятли, албатта.

Йиғин якунида ўзининг ижобий хулқи ва тиришқоқли-гини намойён қилган иштирокчилар ҳамда ўтказилган тур-ли спорт мусобақаларида муваффақиятга эришган ёшлар диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар билан тақдир-ланади.

Ҳарбий госпиталда чуқурлаштирилган тиббий кўрик

Фарғона ҳарбий госпиталида аёл ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кенг қамровли, чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Шарқий ҳарбий округ матбуот хизматида хабар беришларича, ушбу тадбир давомида 150 нафардан ортиқ аёллар соғлиги мутахассислар томонидан назоратдан ўтказилди.



Унда невропатолог, лор, кардиолог, терапевт, стома-толог ва онколог каби ўндан ортиқ малакали шифокор-лар жалб қилиниб, уларнинг ҳар бири ўз йўналиши бўйича текширувлар олиб борди. Айниқса, аёллар саломатлиги, онкологик касалликларнинг эрта аниқланиши ва олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аёл саломатлиги бу, аввало, оиланинг, демакки, жа-миятнинг саломатлиги демакдир. Бундай қўриқлар ка-салликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Кўрик жараёнида фўқароларга зарурий тиббий тавсиялар берилди, соғлом турмуш тарзи бўйича мас-лаҳатлар ташкил қилинди.

«Халқ сўзи».

ЮКСАК ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚЛИК БАХТИ

Хамиджон РАҲИМОВ,
Олтиариқ туманидаги ихтисослаштирилган мактаб
директори, «Ўзбекистон Республикаси халқ
ўқитувчиси» фахрий унвони соҳиби:

— Ҳаётимнинг касби ҳаётимнинг мазмун-моҳиятига айланган. Боиси 52 йилдирки, қадрдон мактабда, ўқувчилар даврасидаман. Ортга назар ташлаб, ўз фаолиятимни сарҳисоб қилиб кўрсам, ўтган йиллар давомида жамиятимиз учун икки минг нафардан зиёд олий маълумотли муҳассислар тайёрлашга бош-қош бўлибман. Ўқувчиларим орасида олимлар, машҳур ижодкорлар, нуфузли идора ва ташкилотларда ишлаётганлари кўпчиликни ташкил этади. Баъзан йўқлаб келишганида бошим кўкка етади.

Баркамол авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор самараси туфайли билим даргоҳимиз замонавий мезонлар асосида фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар мўҳайё. Шу сабабли кейинги 3 йил мобайнида битирувчиларимиз тўлиқ олий таълимга ўқишга кирди, мактабимиз эса таълим сифати бўйича вилоят ва мамлакатда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бунда педагогик жамоамизнинг хизмати бекиёс, албатта. Қувонарлиси, 34 нафар ўқитувчимизнинг 27 нафари миллий ва халқаро сертификатларга эга.

Касб байрамимиз олдиндан давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвонига лойиқ кўрилганим ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди.

Биз, устозларнинг эзгу ва муштарак мақсади битта — баркамол авлод орзуси йўлидаги кенг қамровли ислохотларда элу юрт хизматига астойдил камарбаста бўлиш. Бундай эътибор ва рағбат эса қайратимизга ғайрат, шижоатимизга шижоат қўшиши табиий.

Салима НОРҚЎЧҚОРОВА,
Қумкўрғон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг физика
фани ўқитувчиси, «Шўхрат» медали соҳиби:

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизнинг энг юксак мукофотларидан бирига сазовор бўлганим ҳақида эшитганимда қалбимни чексиз миннатдорлик ва ифтихор туйғуси эгаллади. Айнан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўни арафасидаги бу хурсандчилик ва гурури сўз билан таърифлаш осон эмас.

Бу фақат мен учун эмас, балки меҳнати билан нафақат ҳурмат, балки яхши натижаларга эришяётган фидойи ўқитувчилар жамоасига берилган юксак баҳо, деб биламан.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасига, айниқса, ўқитувчи ҳамда мураббийларга қаратилаётган эътибор ва эъзоз ортиб

бормоқда. Бунда юксак маҳоратли педагоглар эътиборда бўлиб, уларнинг ижодий салоҳиятини очиб, ҳақини юксалтириш учун катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу биз, устозларга янада масъулия ва илҳом бағишлайди, янгидан-янги юқори марраларга интилишга ундайди.

Ёш авлодни соғлом, билимли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, уларни комил инсон қилиб улгайтириш бу биз учун ҳам касб масъулияти, ҳам муқаддас бурч мажбуриятидир. Юртимизнинг ривож ва келажаги бизнинг қўлимизда эканини яхши тушунамиз ва шу йўлда фидойилик билан меҳнат қиламиз.

Отабек ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ҳазорасп туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг физика фани ўқитувчиси,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони соҳиби:

— Жадид бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир” деган пурмаъно ҳаётий ўғити асло заволи билмаслиги айни ҳақиқат. Эътиборлиси, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси ҳамда раҳнамолигида таълимнинг барча босқичи, хусусан, мактаб таълими ривожига бўлган эътибор ва рағбат сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

33 йилдирки, ўзим туғилиб, вояга етган тумандаги мактабда болаларга физика фанидан сабоқ бераман. Кимлардир учун бу меҳнат ёки хиз-

матдек туюлиши мумкин, бироқ мен учун завқли машғулот, болаларга нимадир ўргатиб ўзим ҳам хузур топаман.

Қайд этиш лозимки, ўқувчиларимиз ҳам билдирилган ишончнинг оқлаб, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда яхши натижаларга эришмоқда. Хусусан, ўтган йили бир қатор ўқувчиларимиз Россия ва Қозоғистонда ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринлар-

ни кўлга киритди. Бугун шогирдларим орасида илмий унвонга эга бўлганлар ва нуфузли таълим даргоҳларида фаолият юритаётганлар ҳам талайгина.

Муаллимлар меҳнати юксак қадрланаётгани, муносиб рағбатлантирилаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изхор этаман. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими деган ном мен учун катта шараф, бундан буён ҳам фидойилик билан меҳнат қиламан.

Моҳидил ЗИЯЕВА,
Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби она тили ва адабиёт
фани ўқитувчиси, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби:

— Бугунги ёшлар ўзларидаги ижодий иқтидорни болалигиданоқ ривожлантириб бориши учун жуда кенг ва катта имкониятларга эга. Бунда, айниқса, Президент ташаббуси билан ташкил қилинган ижод мактаблари алоҳида ўрин тутди. Шундай таълим муассасалари туфайли кўплаб ўғил-қизлар ҳам чуқур таълим олмақда, ҳам ижодий қобилиятларини шакллантиряпти.

Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ҳозирда фақат вилоятимиз эмас, мамлакатимиз бўйича ҳам ибрат қилса арзигулик таълим муассасаларидан биридир. Мактабимизда мавжуд қулай шароит ҳамда имкониятларга яраша юқори таълим самарадорлигига эришиш асосий мақсадга айланган ва юқори натижалар кўлга киритил-

Султон СУЛТОНОВ,
Бухоро шаҳридаги 24-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати
ўқитувчиси, «Шўхрат» медали соҳиби:

— 16 ёшимда ногачоний дардга чалиниб, бу ёруғ оламни кўролмай қолдим, аммо ён-атрофимдагиларнинг қўллаб-қувватлови билан руҳан енгилмадим. Мактабни тугатган Бухоро давлат университетига тахсил олдим. Улуғларимиз айтганидек, қўймоқ ҳам бир меҳнатдир. Орқаваротдан “Тўрт йил ўқиб заҳмат чекмоқ бунга зарил келибдими? Ногиронлиги бор, давлат боқайди”, деган сўзлар ҳам қўлоғимга чалинган. Буни қарангки, ҳаёт ҳаммасини жой-жойига қўйди. Муаллимлик ҳаётим мазмунига айланди.

Касбимни яхши кўраман, болалар билан ишлашдан завқланаман. Билим масканимизда ўқибётган кўзи ожиз болаларнинг билим олиши учун яратилаётган шарт-шароитлар кўнглимни тоғдек кўтарди.

Ўқувчиларимизнинг ўй-ташвишлари, қизиқишлари менга қафтдек аён. Улар доска олди-га чиқиб, ёзиш ва ўқишни исташади. Бу уларнинг илмига илм қўшиш, тасаввурларини бойитиш, хотираларини мустаҳкамлаш имкони-

ни беради. Тизимимиздаги ўқув муассасаларида бундай доска йўқ эди. Узоқ излашлардан сўнг ўзим яратган Брайль ёзувли доскадан фойдалана бошладик. Бу ўқувчиларимизнинг доскада ҳам ёзиб, ҳам ўқиши, расмлар чизиши, масалаларни ечишида қўл келяпти.

Касб байрамимиз арафасида бир гуруҳ педагоглар қаторида давлатимиз томонидан тақдирланганим мен ва ақинларим, жамоамиз учун унутилмас воқеа бўлди. Бу юксак эътиборни менга билдирилган ишонч сифатида қабул қиламан ва бундан сўнг ҳам устоз деган шарафли номга муносиб бўлиш учун иқтидорим, салоҳиятим, куч-ғайратимни аямайман.

«Халқ сўзи».

«NHK» телеканали:

Нара ва Самарқанддан топилган қадимий буюмларда боғлиқлик бор

Япониянинг етакчи оммавий ахборот воситаларидан бири — “NHK” телеканали Нара шаҳридаги археологик топилмалар ва уларнинг Ўзбекистон билан боғлиқлиги ҳақидаги янгиликларни эфирга узатди.

Тарих садоси



Унда таъкидланганича, Нара шаҳридаги Томою-Марусан кўрғонида олиб борилган археологик қазилмалар давомида учта мис ойна топилган. Улардан бири — айланаси 19,1 см. бўлган, Хан сулоласи даврига оид йирик ва ноёб бронза ойна бўлиб, Японияда бу турдаги топилмалар жами учта экани хабар қилинади.

“Япон олимлари Хан сулоласи дав-

рига оид топилмалар, жумладан, бронза буюмлар ва ойналар Ўзбекистондан ҳам топилганини билдирмоқда. Хусусан, Самарқанд вилотидаги Кўктепа кўрғонидан айланаси 18,7 см. бўлган катта ўлчамли бронза ойна топилган ва у ҳозирда Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланади”, дейилади лавҳада.

Япония томони фикрига кўра, мазкур топилмалар Самарқанд ва Нара

шаҳарлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик, шунингдек, икки мамлакат алоқалари Буюк Ипак йўли орқали чамбарчас боғланганининг яна бир исботидир.

Маълум қилинишича, 2027 йилда Нара миллий музейида ўтказилиши режалаштирилган Махсус археологик кўргазма доирасида Нара ва Самарқанд топилмалари тадбирнинг асосий экспонатларидан бири сифатида намойиш этилиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтаамиз, шу йил 17 август кўни Осака шаҳрида бўлиб ўтаётган “ЭКСПО — 2025” Бутунжаҳон кўргазмаси доирасида Ўзбекистон миллий павильонида

Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Нара шаҳри ҳамда Нара миллий музейи ўртасида 2027 йилда Нара миллий музейида Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий меросига бағишланган Махсус археологик кўргазмани ташкил этиш ҳақида уч томонлама англашув меморандуми имзоланган эди.

«Дунё» АА.
Нара

Яккабоғда хусусий мактаб очилди

Яккабоғ туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида лойиҳа қиймати 15 млрд. сўм бўлган хусусий мактаб фаолият бошлади. Ташаббускор Сирожиiddин Валиев томонидан ташкил этилган ушбу мактабда 400 нафар ўқувчининг сифатли таълим ва тарбия олиши учун барча шарт-шароит яратилди. Синфхоналар, иш кабинетлари замонавий жиҳозлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланди.



Мактабда математика, физика ва инглиз тили фанлари чуқурлаштириб ўқитилади, иккинчи хорижий тил сифатида корейс тили ўргатилади. Таълим муассасаси Жанубий Корейнинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаган.

— Замонавий таълим масканидagi шароитларни қўриб, биз ўқиган, ишлаган даврлар ёдимга тушди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Мухаббат Шаропова. — Барча қулайликларни Президентимизнинг ёшларимиз келажаги учун қаратаётган эътибори, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижаси, деб биламан.

Янги муассасанинг ишга тушиши натижасида 67 та иш ўрни ҳам яратилди.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).



Сунъий интеллект вазир вазифасини бажаради

“Politico” нашрида ёзишларича, Албанияда “Diella” (албанчада “қуёш” маъносини англатади) деб номланган сунъий интеллект асосида яратилган модель давлат харидлари учун масъул вазир вазифасини бажаради. “Diella”ни ҳукумат аъзоси сифатида Социалистик партия қурултойида Албания Бош вазирини Эди Рама тақдим этди.

“Diella” ҳукуматнинг жисмонан мавжуд бўлмаган, лекин сунъий интеллект асосида яратилган биринчи аъзоси бўлади”, деди Э. Рама. Бош вазир давлат харидлари жараёни қандай кечишини ҳам тасвирлаб берган. Дастлаб вазирлиқлар ва бюджет ташкилотлари тендерлар бўйича қарорлар қабул қилади, сўнгра уларни коррупция ва шаффоқлик нуқтаи назаридан баҳолайдиган “Diella”га топширади. Бош вазир сунъий интеллектни давлат харидларига жорий этиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилишини таъкидлаган.

Албания сунъий интеллектдан турли соҳаларда фойдаланиш бўйича тажрибага эга. Ҳозирда ушбу технологиядан ноконуний қурилишлар, қишлоқ жойларда гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ҳолатларини аниқлашда фойдаланилмоқда.

“Gazeta Tema” нашрида ёзишларича, Албания ҳукуматида пикселлар ва кодлардан яратилган ҳамда сунъий интеллект томонидан бошқариладиган “виртуал вазир” лавозимини эгаллаган дунёдаги биринчи давлатга айланди.

Бойқўнғир космодроми туризм марказига айланади

“Euronews” хабарига кўра, Қозоғистон дунёдаги илк космодром — Бойқўнғирни туризм учун замонавий масканга айлантиришни бошлади. Бойқўнғир космодроми Қозоғистон жанубидаги кенг даштларда жойлашган бўлиб, инсониятнинг космик сафарлари тарихида ўчмас из қолдирган.

Россия хали ҳам Бойқўнғир космодромини ижарада ушлаб тураётган бўлса-да, ҳозирга қадар 50 дан ортиқ фойдаланилмаётган объектларни Қозоғистонга қайтариб берган. Қозоғистон ҳукумати бу майдонларни йил давомида фаол ишлайдиган сайёҳлик ҳудудларига айлантиришни кўзламоқда. 2029 йилгача эса бу ерга йилига 50 мингга яқин сайёҳларни жалб қилиш кўзда тутилган. Ва бу лойиҳа Қозоғистоннинг космик меросини сақлаб қолиш билан бирга, мамлакат туризм салоҳиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши айтилмоқда.

Маълумки, Бойқўнғир 1955 йилда қурила бошланган. Бу ердан юзлаб сунъий йўлдошлар ҳамда коинот қурилмалари учирилган. Космодром инсоният тарихидаги илк космонавтни коинотга чиқарган маскан сифатида ҳам аҳамиятлидир.

БМТ бюджети қисқартирилади

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бюджети ва ҳодимлари сони қисқартирилади.

Бу ҳақда БМТнинг Москвадаги ахборот маркази директори Владимир Кузнецов маълум қилди.

Унинг айтишича, БМТ бюджетининг тахминан 20 фоизи, ҳодимлар сони эса 15 — 20 фоизга қисқартирилади.

— БМТга мунтазам бюджет учун 2,4 млрд. доллар ҳамда тинчликпарварлик амалиётларини молиялаштиришга 2,7 млрд. доллар миқдоридagi маблағ етишмаслиги хаф солмоқда. 2025 йил охирига бориб, давлатларнинг БМТга аъзолик қарзлари 5,1 млрд. доллarga етиши кутилмоқда. Бунинг оқибатида БМТ фаолиятининг барча соҳалари етарлича молиялаштирилмай қолади, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш эса энг кўп зарар кўради, — деди ахборот маркази директори.

«Янги Европа шаклланмоғи зарур»

Анъанага кўра, ҳар йили Европа комиссияси президенти томонидан ЕИдаги ҳолатга доир маъруза эълон қилинади. Унда келгуси йил учун устувор йўналишлар белгиланади, иқтисодиёт ва иқлим масалаларидан тортиб хавфсизлик ва рақамли трансформациягача бўлган энг долзарб муаммолар ёритилади.

Бу йил ҳам Европа комиссияси президенти Урсула фон дер Ляйен ЕИнинг бугунги ҳолатига доир дастурий маъруза билан чиқди.

Унинг айтишича, дунё бўйлаб беқарорлиқлар авж олган бир вақтда Европа Иттифоқи бўрон тинишини хотиржам кута олмайди. “Европа курашмоқда. Бу кураш қитъанинг яхлитлиги ва тинчлиги учун, қадриятларимиз ва демократиямиз, эркинлигимиз ва ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқимиз учун кечмоқда. Бу бизнинг келажагимиз учун курашдир”, деди ЕК президенти.

У дунёда империячилик қарашлар авж олган ҳозирги паллада Европанинг мустақиллигини сақлаб қолиш ўта муҳим эканини қайд этди.

— Дунё империячилик даъволари ва урушлариға шохид бўлмоқда. Жаҳонда тобеллик шафқатсиз равишда қуролга айлантирилмоқда. Шу қаби сабабларга кўра янги Европа шаклланмоғи даркор, — деди Урсула фон дер Ляйен.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

2026 йил 1 апрелдан Ўзбекистонда нотариус лавозимида ишлашнинг энг юқори ёш чегараси 65 дан 70 ёшга оширилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳриратта компьютерлик терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-ўй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.05 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5 6